

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАВЛОНОВА ГУЛНОЗ ШАВКАТОВНА**

**БАЧАДОНДАН ЮВЕНИЛ ҚОН КЕТИШИ БЎЛГАН ҚИЗЛАРДА  
МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ҲОЛАТИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Мавлонова Гулноз Шавкатовна**

Бачадондан ювенил қон кетиши бўлган қизларда микроэлементлар  
ҳолати ва уни коррекциялаш йўллари..... 3

**Мавлонова Гулноз Шавкатовна**

Характеристика микроэлементного статуса крови у девочек с  
ювенильными маточными кровотечениями и пути его коррекции..... 25

**Mavlonova Gulnoz Shavkatovna**

Characteristics of microelement status of blood in girls with juvenile  
uterine bleeding and ways of its correction..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**БУХОРОДАВЛАТТИББИЁТИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАВЛОНОВА ГУЛНОЗ ШАВКАТОВНА**

**БАЧАДОНДАН ЮВЕНИЛ ҚОН КЕТИШИ БЎЛГАН ҚИЗЛАРДА  
МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ҲОЛАТИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib.1471 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Амонов Икром Истамович  
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Доброхотова Юлия Эдуардовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

Худоярова Дилдора Раҳимова  
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Курск давлат тиббиёт университети  
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13 феврал» соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шохкўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (018 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «1» феврал кuni тарқатилди.  
(2021 йил «1» феврал даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



  
Д.Т.Ходжиева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

  
С.С.Пўлатов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

  
Г.А.Ихтиярова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича ювенил ёшда қон кетиши балоғат ёшидаги ўсмир қизлар орасида энг кенг тарқалган гинекологик патологиялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда замонавий соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро акушер гинекологлар федерацияси (FIGO) маълумотларига кўра, «...ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишлар гинекологик касалликлар орасида 20-30 фоизни ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Бугунги кунда бачадондан аномал қон кетишидан азият чеккан 12-16 ёш ўсмир қизларда эссенциал ва токсик микроэлементлар ҳолатини ўрганиш, жумладан, қондаги микроэлементларнинг гипофиз ва тухумдондан ажраладиган гестаген гормонларининг ўзаро патогенетик боғлиқлигини чуқур таҳлил қилиш орқали аномал қон кетишдан азият чеккан қизларни даволаш бирламчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишини олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жисмонан соғлом ва бачадондан аномал қон кетиши билан асоратланган ўсмир қизларнинг анамнестик ва антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш, 12-16 ёшли ўсмир қизлар орасида менструал циклнинг фазасига қараб, қонда микроэлемент статусини аниқлаш, шунингдек, ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетган ўсмир қизларнинг қонида микроэлементлар ҳолати ва гипофиз-тухумдон тизимининг гормонлари билан патогенетик алоқасини исботлаш, бачадондан аномал қон кетган ўсмир қизлар организмида микроэлемент ҳолатини коррекция қилиш каби масалаларга ечим топиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида касалликларни эрта ташхислаш ва уни сурункали шаклига ўтишининг олдини олиш бўйича асосли натижалар олинган, шу ўринда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, айниқса, ювенил ёшда қизларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ўсмир ёшдаги қизлар қонидаги микроэлементлар миқдори ва ювенил бачадондан

<sup>1</sup>Hernandez, Angela M.D., Dietrich, and Jennifer E. MD, MSc Abnormal Uterine Bleeding in the Adolescent Obstetrics & Gynecology: [March, 2020. - Volume 135 - Issue 3 - p 615-621](#). doi: 10.1097/AOG.0000000000003693

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

қон кетиши кузатилган қизлар қонидаги микроэлементлар миқдор кўрсаткичларини аниқлаш, ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишини келтириб чиқарувчи омилларни ташхислаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатдики, балоғат ёшидаги қизларда ҳайз кўришнинг бузилишлари орасида энг кўп учрайдиган шакллардан бири ювенил даврда бачадондан аномал қон кетиши бўлиб, бу ҳолат эссенциал ва токсик микроэлементларнинг ва гипоталамо-гипофизар-тухумдон тизимидан ажраладиган гормонлар функциясининг бузилиши билан изоҳланади, шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг қондаги миқдорини меъерийлаштириш учун дори воситаларини коррекциялаш зарурлиги ойдинлашади (Адамян Л.В., Колтунов И.Е., 2019; Hickey M., Higham J.M., 2018; Mitan LAP, Slap G.B., 2018). Ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишида микроэлемент статусини ва гипоталамо-гипофизар-тухумдон гормонларининг параметрларини ўрганиш эса балоғатга етган қизларда мазкур асоратни нафақат ташхислаш, балки унинг оғир шакллари ривожланишини бартараф этиш имконини беради (Сухих Г.Т., Адамян Л.В., 2019; Савельева Г.М., Бреусенко В.Г., 2018; Munro MG., 2018).

Ҳайз функциянинг бузилишида қалқонсимон безнинг ҳам роли жуда катта бўлиб, унинг дисфункцияси гипоталамусда жойлашган безларнинг фаоллашишига олиб келади, натижада бачадон миометрий қавати билан контактлилиги пасайишига ҳамда бачадондан аномал қон кетишига олиб келади (Султонова Д.А., 2018). Организмда рух моддасининг етишмаслиги қисқа муддатли хотиранинг сусайишига, хулқ-атворнинг ва ўзлаштириш қобилиятининг заифлашишига ҳамда бачадондан аномал қон кетишига олиб келади (Гуркин, 2016; Shabaan M.M., Zakherah M.S. et al., 2018). Соҳа мутахассислари томонидан микроэлементларнинг организмга физиологик таъсири ўрганилган бўлсада, микроэлементларнинг ҳайз цикли бузилиши ва

бачадондан аномал қон кетишига алоқаси етарлича ўрганилмаган, бундан ташқари, эссенциал ва токсик микроэлементларнинг гормонлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳайз циклининг бузилишига, бачадондан аномал қон кетишига таъсири ҳали-ҳанузгача ўрганилмаган муаммолардан саналади (Аюпова Ф.М., 2016).

Сўнгги йилларда бачадондан аномал қон кетишининг ривожланиши организмда микроэлементларнинг етишмаслиги туфайли содир бўлиши исботланган (Boone S., Powers J.M., Goodgame B., 2019). Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бачадондан аномал қон кетишига сабаб эссенциал ва токсик микроэлементларнинг ва гипоталамо-гипофезар-тухумдон тизимидан ажраладиган гормонлар функциясининг бузилишидир (Аюпова Ф.М., 2017; Ашурова Н.Г., 2018). Бачадондан аномал қон кетишида микроэлементлардан рух ва темир элементларининг камайиши, организмда мис, марганец, кремний, титан концентрациясининг ошиши кузатилиб, ўсиб бораётган ёш қизларнинг репродуктив функциясига таъсир қилади (Чечулина О.В., 2019; Мирзаева Н.Б., 2017).

Мамлакатимизда ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишининг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Ашурова С.А., 2019; Матризаева Г.Д., 2018). Шунингдек, ёш олимларнинг тадқиқотларида пубертат ёшдаги ўсмир қизлар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор натижаси тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган. Шу билан бирга кузатувлар Бухоро вилояти ҳудудида ўсмир ёшдаги қизлар орасида бачадондан аномал қон кетиши, унинг учраши ҳамда самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ №01.2020.PhD.1471 «Бухоро вилоятининг иссиқ иқлими шароитида ва ҳудуднинг ўзига хос эндемик йод етишмовчилиги хусусиятини инобатга олиб, организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларининг эрта ташхиси, давоси ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2007-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бачадондан ювенил қон кетиши бўлган қизлар қонидаги микроэлементлар ҳолатини текшириш, коррекциялаш, эрта ташхислаш ва даволашнинг янгича ёндашувларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бачадондан ювенил қон кетиши бўлган қизларнинг анамнестик ва антропометрик кўрсаткичлари ва клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш;

бачадондан ювенил қон кетиши бўлган 12-16 ёшли ўсмир қизларнинг менструал цикл фазасига қараб қонидаги микроэлемент статусини аниқлаш ва коррекциялашнинг янгича йўллари ишлаб чиқиш;

ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган ўсмир қизларнинг қонидаги микроэлементларни ўрганиш, гипофиз-тухумдон тизими гормонлари билан патогенетик алоқасини аниқлаш;

ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган ўсмир қизлар организмда микроэлемент ҳолатини ва уни коррекциялашнинг янгича усулларини яратиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи жисмонан соғлом ва бачадондан аномал қон кетиши билан асоратланган 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган жами 170 нафар ўсмир қиз ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** вена томиридан олинган қон ва унинг зардоби, ультратовуш текшируви ёрдамида бачадон, тухумдон, эндометрий қаватини баҳолаш, эссенциал ва токсик микроэлементлар кўрсаткичлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор, эссенциал ва токсик элементларнинг қондаги миқдори, функционал-диагностик текширишлар (УТТ текшириш), биокимёвий (гипофизар ва тухумдон гормонлари), статистик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор анамнестик ва антропометрик бачадон, тухумдон ҳамда бачадон эндометрий қавати қалинлигининг ўлчамлари кўрсаткичлари аниқланиб, микроэлементлар асосида коррекциялаш йўллари ишлаб чиқилган;

илк бор жисмонан соғлом ва бачадондан аномал қон кетиши билан асоратланган 12-16 ёшли ўсмир қизлар орасида ҳайз циклининг фазаларига қараб, қонда микроэлемент статуси ва репродуктив система функцияси ҳайз цикли фазалари тикланиши ҳамда тухумдонда овулятор циклининг шаклланишига эришиш каби йўллари аниқланган;

ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетган ўсмир қизларнинг қонида ЛГ, ФСГ, эстрадиол, прогестерон гармонлари миқдорининг камайиши сабаб тўғридан тўғри қонда ҳайз цикли фазаларида темир, йод, мис, рух ва селен миқдори пасайиши билан боғлиқлиги исботланган;

ювенил ёшда жинсий безлар жадал ўсиш жараёни туфайли организмда микроэлементларга булган талаб ошиши ва бош мия марказий нерв системаси гипофиз булагидан ажралиб чиқувчи тухумдон гормонларининг меъёрий кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бачадондан ювенил қон кетишнинг микроэлемент ҳолатлари ва уни коррекциялаш йўллари аниқлашга хизмат қиладиган лабараторик текширув стандарти ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган;

соғлом қизлар қонидаги микроэлементлар миқдори ва ювенил бачадондан қон кетиши кузатилган қизлар қонидаги микроэлементлар миқдор кўрсаткичларини аниқлашга хизмат қиладиган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишини келтириб чиқарувчи асосий омиллар аниқланиб, ўсмир қизлар организмдаги ЛГ, ФСГ, эстрадиол, прогестерон гармон миқдори, микроэлементлар ҳолати ва коррекциялаш йўллари кўрсатиб берилган;



хайз цикли фазаларида микроэлементлар ва гипофиздан ажраладиган тухумдон гормонлари миқдорини аниқлаш ва ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишининг патогенетик хусусиятларини белгилашга қаратилган алгоритм дастурлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда замонавий усуллар ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлар, олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилигини, беморлар сонини етарлилиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти клиник анамнестик, антропометрик, функционал, биокимёвий, микроэлементлар ва гормонал ҳолатни аниқлаш натижасида олинган илмий асосланган натижалар асосида 12-16 ёшдаги қизларда ювенил бачадондан қон кетиши ва уларнинг асорати анемия оғир даражаси шаклланиши ва шок ҳолатига тушишининг эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек асосланган микроэлемент сақловчи препаратлар билан коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқишда ва қиз бола организмни ўрганишга доир гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий хулосалар бачадондан ювенил қон кетиши бўлган қизларда микроэлементлар ҳолати ва уни коррекциялаш йўллари аналга оширишда, шунингдек, бачадондан аномал қон кетишининг асосий хавфли омилларини эрта ташхислаш, ўсмир қизлар организмдаги ЛГ, ФСГ, эстрадиол, прогестерон гормон миқдори, хайз цикли фазаларида микроэлементлар ва гипофиздан ажраладиган тухумдон гормонларини аниқлашда ва ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишининг патогенетик хусусиятларини белгилашда ва қиз бола организмни соғлом ўсиши, ақлий ва интеллектуал салоҳиятини кўтарилиши, ҳаёт сифатининг ошишига имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетиши ривожланишида микроэлемент статус, қондаги гормонлар, эссенциал ва токсик микроэлементлар ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишида қизларнинг микроэлемент статуси ва репродуктив тизими хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 26 апрелдаги 8н-р/70-сон маълумотномаси). Натижада ювенил ёшда бачадондан қон кетиши билан асоратланишни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислашнинг оптимал вариантларини яратишга хизмат қилган;

«Ювенил ёшда бачадонда аномал қон кетишларни даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 08 октябрдаги 8н-р/342-сон маълумотномаси). Натижада ювенил ёшда бачадондан қон кетиши билан асоратланган ўсмир қизларда микроэлемент статусини аниқлаш орқали даволаш имконини яратган;

«Ювенил ёшда бачадонда аномал қон кетишларда қондаги микроэлемент статуси ва уни коррекциялаш йўллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 08 октябрдаги 8н-р/343-сон маълумотномаси). Натижада гинекологик касалликларнинг камайишига, стационарда даволаниш кунларининг қисқаришига ва ювенил қон кетиши бўлган қизларда реабилитация чора тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетишининг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида ювенил ёшдаги ўсмир қизларда бачадондан аномал қон кетиши муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўсмир қизларда бачадондан аномал қон кетишимеханизмларининг замонавий талқини, эссенциал ва токсик микроэлементларнинг, гипофиз ва тухумдон гормонларининг, бачадондан аномал қон кетишининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материаллари ва усуллари баён этилган.

Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Акушерлик ва гинекология» кафедраси, Бухоро вилояти скрининг маркази, Ромитан тумани марказий поликлиникасида 2012-2020 йилларда амалга оширилган.

Бухоро вилояти скрининг маркази, Ромитан тумани марказий поликлиникасига мурожаат қилган 12-16 ёшгача бўлган 170 нафар бачадонидан аномал қон кетган ва жисмонан соғлом ўсмир қизда эссенциал ва токсик микроэлементлар ҳамда гопофиз-тухумдон гормонлари, бачадон, тухумдон, эндометрий қаватининг ҳолати комплекс ўрганилган. Асосий гуруҳга бачадонидан аномал қон кетган 115 нафар ўсмир қиз жалб қилинган бўлса, 55 нафарини жисмонан соғлом ўсмир қизлар ташкил қилди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда қуйидаги тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил; клиник тадқиқот усуллари (қоннинг умумий таҳлили, Нt, тромбоцитлар); биокимёвий текширув усуллари.

Тадқиқотга жалб қилинган ўсмир қизлар ёш бўйича қуйидаги тоифаларга ажратилди: 12 ёшда 31 (18,2%) қиз, 13 ёшда – 32 (18,8%), 14 – 35 (20,5%), 15 – 37 (21,7%), 16 – 34(20,0%). Шунини таъкидлаш керакки, таққосланган гуруҳларда ёш таркибида сезиларли фарқ аниқланмади ( $P>0,05$ ). Шундай қилиб, 12 ёшда соғлом қизлар гуруҳида 10 (18,1%), 13 ёшда – 10 (18,1%), 14 ёшда – 12(21,8%), 15 ёшда – 12(21,8%) ), 16 ёш – 11(20,0%). Ювенил ёшда қон кетиши бўлган қизлар гуруҳида ушбу тақсимот қуйидагича: 21 (18,2%), 22 (19,1%), 23 (20,0 %), 25 (21,7%), 23 (20,0%), яъни сезиларли фарқ аниқланмади ( $P>0,05$ ). Ўрганилган гуруҳларда тадқиқотга жалб қилинганларнинг ёши, яшаш жойига (шаҳар / қишлоқ) боғлиқлик бўлмади ( $P>0,05$ ).

Бухоро вилояти диагностика марказида «HumarderSingle» (Германия, 2005) анализатори ёрдамида иммунофермент усулида қуйидаги гормонлар кўрсаткичлари аниқланди: (ЛГ, ФСГ, эстрадиол, пролактин, прогестерон). Гормонал тадқиқотлар тухумдон циклининг 7-фоликуляр фазасида, 14-овуляция фазасида ва 21-лютеин фазасида амалга оширилди. Ювенил ёшда бачадонидан қон кетган қизларда тадқиқот қон кетиши фонида ва уни тўхтатгандан сўнг ўтказилган. Анализ учун қон кубитал венадан эрталаб соат 8 дан 10 гача бўлган вақт оралиғида, тадқиқотга жалб қилинган қизлардан олинган.

Ультратовуш текширувлари С 2,5 МГц секторал датчикни қўллаш билан анатомик М режимли I ВF (Сономед, Спектрмед-400, фирма «Асер», Россия, 2005, «Sono Scape» 551-600, China) моделидаги аппаратда амалга оширилган.

Микроэлемент статуси «Agilent 7500 a. Induktivlu Coupled Plasma Mass Spektrometr» (Япония, 2001) анализатори ёрдамида ўрганилган. Қон зардобидида 10 та эссенциал ва 5 та токсик микроэлемент даражаси

аниқланган. Тадқиқотлар Тошкентда Республика суд экспертизаси марказида ўтказилган. Тайёрланган намуналарнинг МЕ таркиби АТ 7500 асбобида микродорий спектрал таҳлил усули билан аниқланган: ташувчи газ аргон, қувват 1310 Вт, интеграция вақти 0,1, дақиқа.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ), ўртача кўрсаткич стандарт хато ( $m$ ), нисбий ўлчамларни (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилган. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги ( $F$  – Фишер мезони) ўрганилиб, хато эҳтимоли ( $P$ ) Стъюдент ( $t$ ) мезони бўйича ҳисобланган.  $P < 0,05$  ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган ўсмир қизлар организмининг этиопатогенетик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида бачадонидан аномал қон кетган ўсмир қизларнинг анамнестик маълумотлари ва унинг хусусиятлари ўрганилган.

Бундан ташқари, тадқиқотга жалб қилинган қизларда акушерлик-гинекологик текширув пайтида ҳайз цикли кўрсаткичлари ҳам ўрганилган. Ҳайз функцияси кўрсаткичлари мунтазам ҳайз циклининг шаклланиши, унинг кечишидаги ўзига хослиги бўйича баҳоланди. Текширув гуруҳларидаги аёллар билан солиштирилганда, статистик аҳамиятли фарқ кузатилмади.

Шунингдек, текширилаётган қизларда гинекологик ва соматик касалликлар структураси ҳам таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетиши билан асоратланган ўсмир қизларда 76,7% юқумли касалликларга чалингани, шу билан биргаликда диарея билан асоратланиш тез-тез такрорланганини кўриш мумкин. Анемия 70 (60,9%), қалқонсимон без касалликлари 59 (51,3%), сурункали буйрак касалликлари ювенил ёшда бачадондан аномал қон кетиши билан асоратланган ўсмир қизларда 11,3%, жисмонан соғлом қизларда эса 5,5% ни ташкил қилган.


Жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари ҳар тўртта қизнинг биттасида учради, бу эса 34 (29,6%) нафарни ташкил этди. Ёш бўйича кўрилганда яллиғланиш касалликлари 12 ёшда 3 (14,3%), 13 ёшда 2 (9,1%), 14 ёшда 9 (36,0%) 15-16 ёшда эса 11 (47,8%) нафарни ташкил этди.

### **Шартли равишда соғлом қизларда ҳайз цикли кунига қараб микроэлементлар таркибининг динамикаси**

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, жисмонан соғлом қизларнинг қонида микроэлементлар таркиби ўзига хос доимий хусусиятга эга ва фертил ёшдаги аёлларнинг микроэлемент балансидан фарқ қилади (1-жадвал).

Тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлишича, ҳайз даврининг кунига қараб, қизларда МЭ статуси ҳолатида сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Муҳим бўлган эссенциал микроэлементлар ҳайз даврининг 14-кунидан

кўтарилди, 21-кунига келиб пасая бошлади, циклниг 1-3-кунларида максимал пасайиш бошланди.



1-расм. Менструал цикл кунига қараб соғлом қизлар қонидаги темир миқдори.

1-жадвал

### Шартли равишда соғлом қизлар ва фертил ёшдаги аёлларда қондаги микроэлемент таркиби


МЭ	Қизлар		Фертил ёшдаги аёллар	
	Қон зардоби	Эритроцитлар	Қон зардоби	Эритроцитлар
Эссенциалмикрэлементлар				
Cr	55,7±2,29	66,2±3,34	71,8±3,80***	84,8±3,96***
Mn	11,2±0,53	23,4±1,13	17,4±0,82***	32,4±1,40***
Fe	136,4±7,13	48,3±2,24	142,4±6,43	74,6±3,60***
Co	5,3±0,30	17,3±0,80	8,4±0,37***	26,3±1,21***
Cu	154,8±8,93	120,0±5,51	152,6±6,98**	164,7±8,0***
Zn	121,0±6,80	623,0±28,4	154,6±7,43***	942±39,1***
Se	14,1±0,76	18,6±0,85	8,1±0,38	24,4±1,24***
Mo	1,2±0,07	1,1±0,06	1,3±0,06***	2,1±0,10***
I	7,6±0,47	22,8±1,18	14,8±0,66***	37,4±1,87***
Ni	7,8±0,43	16,3±0,89	10,6±0,50***	22,3±1,08***
Токсик микроэлементлар				
Be	0,53±0,02	0,20±0,02	0,76±0,04***	0,36±0,02***
Al	253,0±12,26	268,0±11,98	448±20381***	434±19,1***
Cd	23,6±1,12	26,7±1,17	30,6±1,47***	31,9±1,45***
Hg	0,31±0,02	0,22±0,01	0,47±0,02***	0,40±0,02***
Pb	30,6±1,37	23,1±1,03	42,6±1,94***	38,3±1,81***

Изоҳ: \*. \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001 фертил ёшдаги аёллар билан таққосланганда

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, фертил ёшдаги аёлларга қараганда қизларнинг қондаги темир миқдори пастроқ (1-расм). Бу, айниқса, ҳайз даврининг 1-3-кунларида ҳам қон зардобиди (136,4 ± 7,13 мг%) ва


эритроцитларда ( $48,3 \pm 2,24$  мг%,  $P < 0,001$ ) сезиларли бўлди. Шу билан бирга, циклнинг 7-кунидан бошлаб, қондаги темирнинг концентрацияси мос равишда  $128,6 \pm 5,79$  ва  $51,6 \pm 2,34$  мг% ( $P > 0,05$ ) га кўтарилиб, 14-кунида –  $138,0 \pm 6,12$  ва  $55,3 \pm 2,67$  мг% максимал даражага етди. Кейин циклнинг 21-кунидан бошлаб, темир даражаси яна пасая бошлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, қизларнинг эритроцитларидаги йод даражаси қон зардобидан ўртача 3,0 баравар юқори (2-расм) ва ҳайз даврининг кунига қараб ўзгариб туради.



2- расм. Ҳайз циклининг кунига қараб қондаги йод миқдори, мкг%.

Ҳайз циклининг 1-3-кунигача қонда йоднинг физиологик етишмовчилиги мавжуд бўлиб (қон зардобида  $7,6 \pm 0,47$  мг%, эритроцитларда  $22,8 \pm 1,18$  мг%), аммо циклнинг 7-кунидан бошлаб, овуляция кунларида қондаги йод миқдори максимал даражага кўтарилди (қон зардобида  $9,6 \pm 0,48$  мг%, эритроцитларда  $28,6 \pm 1,26$  мг%). Прогестерон фазасига келиб, йод концентрацияси  $8,3 \pm 0,39$  ва  $22,7 \pm 0,98$  мг% даражага етади.




3- расм. Ҳайз циклининг кунига қараб қондаги марганец миқдори, мкг%.

Марганецнинг қондаги концентрацияси, тадқиқот натижаларига кўра, асосан, эритроцитларда тўпланади (3-расм). Аммо эритроцитларда марганец концентрацияси нисбатан ўзгармаган, қон зардобида эса ҳайз даврининг кунига қараб, унинг даражаси сезиларли даражада ўзгарди. Шундай қилиб,


хайз даврнинг бошида (1-3-кун) марганецнинг қон зардобидаги концентрацияси циклнинг 7-кунидан ( $13,3 \pm 0,61$  мг%,  $P < 0,05$ ) ўсишни бошлаб,  $11,2 \pm 0,53$  мг% ни ташкил қилади

Тадқиқот натижаларига кўра, қизларда қонда мис, асосан, плазмада тўпланади (4-расм).



4- расм. Ҳайз циклининг кунига қараб қонда миснинг миқдори, мкг%.

Ҳайз циклининг кунига қараб, плазмадаги мис концентрацияси сезиларли даражада фарқ қилди. Бу, айниқса, хайз даврнинг 1-3-кунларида қон зардобида сезилди ( $154,8 \pm 12,4$  мг%). Циклнинг 7-кунидан бошлаб қондаги мис концентрацияси мос равишда  $121,0 \pm 9,6$  гача камайишни бошлайди;  $109,0 \pm 8,6$  ва  $113,6 \pm 10,6$  мг% ( $P > 0,05$ ).




5- расм. Ҳайз циклининг кунига қараб қондаги рухнинг миқдори, мкг%.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қизларнинг қонидаги рух фертил ёшдаги аёлларга қараганда анча паст (5-расм). Бу айниқса, хайз даврнинг 1-3-кунларида ҳам эритроцитларда ( $623,0 \pm 28,4$  мг%) ва қон плазмасида ( $121,0 \pm 6,80$  мг%) сезиларли бўлди. Шу билан бирга, циклнинг


7-кунидан бошлаб, қонда рухнинг концентрацияси мос равишда  $646,0 \pm 31,0$  ва  $127,4 \pm 5,88$  мг% гача кўтарилиб, ҳайз даврининг 14-кунида максимал даражага етди –  $778,0 \pm 35,0$  ( $P < 0,001$ ) ва  $144,8 \pm 7,08$  мг% ( $P < 0,05$ ). Кейин циклнинг 21-кунидан бошлаб унинг даражаси пасайишни бошлайди.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига кўра (6-расм), эритроцитларда қон зардобидан юқори бўлган селен миқдори ҳайз даврининг кунига қараб табиий равишда ўзгариб турди (қон зардобида  $14,1 \pm 0,76$  мг%, эритроцитларда  $18,6 \pm 0,85$  мкг%).



**6- расм. Ҳайз циклининг кунига қараб қондаги селеннинг миқдори, мкг%.**

Шу билан бирга, циклнинг 7-кунидан қондаги селен миқдори кўтарилиб, овуляция кунларида максимал даражага етди (қон зардобида  $15,2 \pm 0,74$  мг%, эритроцитларда  $19,1 \pm 0,88$  мг%). Прогестерон фазасида селен концентрацияси дастлабки даражага етди (мос равишда,  $12,3 \pm 0,57$  ва  $17,6 \pm 0,88$  мг%).



**7- расм. Ҳайз циклининг кунига қараб қондаги алюминий миқдори, мкг%.**

Соғлом қизларда қон зардобида ҳам, эритроцитларда ҳам токсик МЭ концентрацияси фертил ёшдаги аёлларга қараганда анча паст ( $P < 0,001$ ). Бу, айниқса, ҳайз даврининг 1-3-кунларида (5-расм) алюминий мисол учун ҳам қон зардобида ( $253,0 \pm 12,3$  мг%) ва эритроцитларда ( $268,0 \pm 12,0$  мг%) сезилади. Аммо циклнинг 7-кунидан бошлаб, қондаги алюминий



концентрацияси  $268,0 \pm 12,7$  ва  $236,0 \pm 111,7$  мг% гача кўтарила бошлайди, хайз даврининг 14-кунида бу кўрсаткич  $251,0 \pm 12,15$  ва  $230,0 \pm 10,55$  мг% га камаяди ( $P < 0,05$ ). Кейин циклнинг 21-кунидан бошлаб алюминий даражаси ошади.

### **Ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган қизларда хайз циклининг кунига қараб микроэлементларнинг динамикаси**

Соғлом қизлардан фарқли ўлароқ, асосий гуруҳдаги қизларда темир каби муҳим микроэлементлар миқдори сезиларли даражада пасайган (соғлом қизлар қон зардобиди  $136,4 \pm 7,13$  мкг% ва бачадонидан аномал қон кетган қизларда  $128,6 \pm 6,44$  мкг%); мос равишда эритроцитларда  $48, \pm 2,24$  ва  $41,6 \pm 1,94$ ), кобальт (соғлом қизларда қон зардобиди  $5,3 \pm 0,30$  мкг%, қизларда эса  $4,8 \pm 0,23$  мкг%). ЮБКга; мос равишда эритроцитларда  $17,3 \pm 0,80$  ва  $13,2 \pm 0,65$ ), мис (соғлом қизларда қон зардобиди  $154,8 \pm 8,93$  мкг %, қизларда  $161,4 \pm 7,27$  мкг%). ЮБК билан; мос равишда  $120 \pm 5,51$  ва  $101,4 \pm 5,14$  эритроцитлар), рух (соғлом қизларда қон зардобиди  $121 \pm 6,8$  мг% ва ЮБК бўлган қизларда мос равишда эритроцитлар  $104,6 \pm 5,12$  мг%;  $623 \pm 28,4$  ва  $516 \pm 23,1$ ), селен ( $14,1 \pm 0,76$  мг қон зардобиди % соғлом ва  $11,6 \pm 0,61$  мг% ЮБК бўлган қизларда; мос равишда эритроцитлар  $18,6, 85$  ва  $15,4 \pm 0,73$ ), йод (соғлом қизларда қон зардобиди  $7,6 \pm 0,47$  мг%, ЮБК бўлган қизларда эритроцитларида  $6,5 \pm 0,31$  мг %; мос равишда  $19,8 \pm 0,99$  ва  $22,8 \pm 1,18$ ) ва бошқалар.

Кадмийдан ташқари, токсик МЭ даражасида сезиларли фарқни топмадик (соғлом қизларда қон зардобиди  $23,6 \pm 1,12$  мг% ва ЮБК бўлган қизларда  $27,1 \pm 1,34$  мг%; мос равишда эритроцитларда  $26,7 \pm 1,17$  ва  $28,4 \pm 1,34$ ). Бу, эхтимол, инсон танасида токсик МЭ нинг аста-секин ва кумулятив равишда тўпланишини тасдиқлайди.

### **Ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган ва соғлом қизларда гипофиз-тухумдон тизимининг гормонал хусусиятлари**

Тадқиқот учун гипофиз-тухумдонлар тизимининг гормонларини 12–16 ёшдаги 22 нафар соғлом ва 28 нафар ЮБК билан касалланган қизларда ўрганиш мақсад қилиб олинган эди.

Тадқиқотдан шу кўриниб турибдики, назорат гуруҳидаги қизлар қонидаги ЛГ даражаси ёшга ва хайз цикли кунига қараб, анча кенг ўзгаради. Шундай қилиб, 12 ёшли соғлом қизларда циклнинг биринчи ярмида ЛГ даражаси  $5,4 \pm 0,34$  МЕ/л.ни ташкил қилди, иккинчи босқичда у  $4,9 \pm 0,31$  МЕ/л.га камаяди ( $P > 0,05$ ).

13 ёшдаги қизларда ушбу гормон концентрацияси ўсиши кузатилди, аммо цикл босқичига қараб, у бироз ўзгариб турди: хайз даврининг биринчи босқичида  $5,8 \pm 0,37$  МЕ/л, иккинчи босқичида  $5,9 \pm 0,37$  МЕ/л ( $P > 0,05$ ). 14 ёшли соғлом қизларда циклнинг биринчи босқичида ЛГ миқдори  $5,2 \pm 0,22$  МЕ/л.ни ташкил қилди, иккинчи босқичда у  $7,8 \pm 0,45$  МЕ/л.га ( $P < 0,001$ ) ошди. 15 ёшда циклнинг биринчи босқичида ЛГ концентрацияси  $5,5 \pm 0,29$  МЕ/л.ни ташкил қилди, иккинчи босқичда эса, у деярли 5 баравар кўпайиб,  $19,0 \pm 1,1$  МЕ/л.ни ташкил этди ( $P < 0,001$ ). Худди шу динамика 16 ёшдаги қизларда кузатилади: навбати билан  $5,6 \pm 0,30$  ва  $19,8 \pm 1,02$  МЕ/л ( $P < 0,001$ ).

ЮБҚ бўлган қизларда ЛГ индекси соғлом қизлар кўрсаткичларига қараганда анча паст ( $P < 0,05-0,01$ ). Шу билан бирга, ушбу гормоннинг цикл фазасига қараб тебранишларининг мунтазамлиги сақланиб қолади. Шундай қилиб, 12 ёшли қизларда циклнинг биринчи босқичида ЛГ концентрацияси  $3,2 \pm 0,15$  МЕ/л, иккинчи фазада –  $3,4 \pm 0,14$  МЕ/л ( $P > 0,05$ ). Аммо 13 ёшдаги қизларда ушбу гормон даражаси ўсишни бошлади: биринчи фазасида  $3,6 \pm 0,16$  МЕ/л, иккинчи фазасида  $4,1 \pm 0,18$  МЕ/л ( $P < 0,05$ ). Худди шу динамика 14, 15 ва 16 ёшдаги қизларда кузатилади: 14 ёшдаги қизларда  $3,8 \pm 0,16$  ва циклнинг иккинчи фазасида  $5,3 \pm 0,22$  МЕ/л,  $3,7 \pm 0,16$  ва  $5,6 \pm 0,26$  МЕ/л – 15 ёш,  $4,5 \pm 0,19$  ва  $9,1 \pm 0,42$  МЕ/л ( $P < 0,05-0,001$ ).

ФСГ даражаси барча ёш гуруҳларидаги ЮБҚ билан касалланган қизлар орасида сезиларли даражада камайди. Шундай қилиб, циклнинг биринчи босқичида 12 ёшдаги қизларда бу кўрсаткич  $2,8 \pm 0,12$  МЕ/л, иккинчи фазасида  $2,6 \pm 0,11$  МЕ/л. 13 ёшли қизларда ушбу гормон концентрацияси мос равишда  $3,1 \pm 0,13$  ва  $3,4 \pm 0,15$  МЕ/л ( $P > 0,05$ ) гача кўтарилди. Бироқ 14 ва 15 ёшли қизларда ФСГ даражаси ўсишга мойил эмас: 14 ёшдаги қизларда  $2,8 \pm 0,12$  ва  $2,5 \pm 0,11$  МЕ/л, 15 ёшда –  $3,0 \pm 0,13$  ва  $2,8 \pm 0,12$  МЕ/л ( $P > 0,05$ ). 16 ёшдаги қизларда ҳам ФСГ даражаси сезиларли даражада ошди: биринчи босқичда  $3,5 \pm 0,15$  МЕ/л ва ҳайз циклининг иккинчи босқичида  $3,8 \pm 0,16$  МЕ/л.

ЮБҚ бўлган қизларда пролактин даражаси соғлом қизларга қараганда биров пастроқ. Шу билан бирга, циклнинг фазасига қараб, унинг умумий миқдори сақланиб қолди. 12 ёшдаги қизларда қондаги пролактин миқдори ҳайз даврининг биринчи босқичида  $159 \pm 6,7$  мМЕ /л, иккинчи босқичида  $206 \pm 8,8$  мМЕ/л,  $187 \pm 8,0$  ва  $224 \pm 9,5$  мМЕ/л.ни ташкил қилади. 13 ёшда  $240 \pm 10,3$  ва 15 ёшда  $302 \pm 12,8$  мМЕ/л,  $228 \pm 9,6$  ва 16 ёшда  $315 \pm 13,8$  мМЕ/л – ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, соғлом қизларда ЛГ, ФСГ, эстрадиол, прогестерон ва пролактиннинг таркиби ҳам ёшга, ҳам ҳайз даврининг босқичига қараб сезиларли даражада ўзгариб турди. Шундай қилиб, 12–13 ёшдаги қизларда, айниқса, циклнинг биринчи босқичида ЛГ, ФСГ ва эстрадиол концентрациясининг нисбий етишмаслиги ановуляцион ҳайз даврини билдиради ( $P = 0,51-0,76$ ). Аксинча, ёши каттароқ қизларда ушбу гормонлар таркиби сезиларли даражада кўпаяди ва овуляция бошланиши айнан циклнинг иккинчи босқичида прогестероннинг 4–10 баробар кўпайишига ёрдам беради.

#### **Ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган ва соғлом қизларда бачадон ва тухумдоннинг ультратовуш кўрсаткичлари**

Тухумдон ва бачадон циклининг функционал ҳолатини аниқлаш учун ЮБҚ билан касалланган 36 нафар қизда жинсий аъзолар ультратовуш текшируви ўтказилди. Олинган натижаларни таққослаш учун 32 та соғлом қиз ҳам текширилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, чап ва ўнг тухумдон катталигида сезиларли фарқ йўқ, шунинг учун умумлаштирилган маълумотлар келтирилган.

Биринчи фазада 12 ёшли шартли соғлом қизларда тухумдоннинг узунлиги  $2,4 \pm 0,17$  см, кенглиги  $1,5 \pm 0,08$  см, ҳайз даврининг иккинчи фазасида тухумдоннинг ҳажми сезиларли даражада фарқ қилмайди: мос равишда  $2,5 \pm 0,2$  ва  $1,6 \pm 0,07$  см ( $P > 0,05$ ). 13 ёшдаги қизларда тухумдонлар катталашади: биринчи фазада навбати билан  $3,5 \pm 0,23$  ва  $2,5 \pm 0,13$  см.гача, иккинчи фазада  $3,6 \pm 0,2$  ва  $3,0 \pm 0,21$  гача катталашади. Тахминан бир хил натижалар 14, 15 ва 16 ёшдаги қизларда олинди. Биринчи босқичда 14 ёшдаги қизларда тухумдон узунлиги  $3,4 \pm 0,26$ , кенглиги  $2,4 \pm 0,18$  см.

Циклнинг иккинчи босқичида ушбу кўрсаткичлар сезиларли даражада ошди: мос равишда  $3,6 \pm 0,27$  ва  $3,5 \pm 0,2$  см, биринчи фазасида 15 ёшда ўрганилган кўрсаткичлар  $3,3 \pm 0,21$  ва  $2,6 \pm 0,23$  см.га тенг, иккинчисида –  $3,8 \pm 0,19$  ва  $3,2 \pm 0,28$  см, 16 ёшда биринчи фазасида –  $3,8 \pm 0,3$  ва  $2,4 \pm 0,18$  см, иккинчи фазасида –  $3,8 \pm 0,24$  ва  $2,6 \pm 0,17$  см.

Ультратовуш текширувида бачадон ҳақида маълумот олинган параметр унинг катталиги ва узунлиги бўлиб, шу асосда бошқа ўлчамлар ҳамда у ёки бу орган патологияси аниқланади. Биз текширган қизларда бачадоннинг катталиги тухумдон циклининг фазаларига қараб фарқланмади ( $P > 0,05$ ). ЮБК бўлган қизларда бачадоннинг узунлиги, умуман, соғлом қизларга қараганда биров қисқароқ. Бироқ бу катталик ўсишининг мунтазамлиги ёшга қараб ўзгармайди.

Текширилаётган субъектларда эндометрий қавати таҳлил қилинганда қизиқарли натижаларга эришилди. Соғлом қизларда эндометрийнинг қалинлиги циклнинг иккинчи фазасида ўсиши билан тавсифланади. Шундай қилиб, ҳайз даврининг биринчи босқичида 12 ёшли соғлом қизларда эндометрийнинг қалинлиги  $0,9 \pm 0,07$  см, иккинчисида  $1,1 \pm 0,09$  см, 13 ёшдаги қизларда эса  $0,8 \pm 0,07$  ва  $1,2 \pm 0,1$  см ( $P < 0,01$ ). Худди шу ҳолат 14, 15 ва 16 ёшларда соғлом қизларда сақланиб қолади: 14 ёшда, мос равишда,  $0,9 \pm 0,06$  ва  $1,2 \pm 0,07$  см, 15 ёшда  $1,0 \pm 0,09$  ва  $1,4 \pm 0,09$  см, 16 ёшда  $1,1 \pm 0,1$  ва  $1,0 \pm 0,15$  см.

ЮБК бўлган қизларда циклнинг иккинчи фазасида эндометрий қалинлигининг сезиларли даражада ошиши кузатилди, бу фолликул атрезиясини кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, 12 ёшида ЮБК бўлган қизларда ҳайз даврининг биринчи фазасида эндометрийнинг қалинлиги  $0,8 \pm 0,08$  см, иккинчисида  $1,2 \pm 0,1$  см ( $P < 0,01$ ). 13 ёшли қизларда эндометрийнинг қалинлиги ҳайз даврининг биринчи қисмида  $0,7 \pm 0,09$ , иккинчи босқичида  $1,5 \pm 0,16$  см ( $P < 0,01$ ), 14 ёшида эса  $0,7 \pm 0,05$  ва  $1,6 \pm 0,09$  см, 15 ёшда  $1,4 \pm 0,09$  ва  $1,6 \pm 0,12$  см, 16 ёшда  $1,0 \pm 0,15$  ва  $1,8 \pm 0,17$  см ( $P < 0,05-0,001$ ).

Шундай қилиб, ультратовуш текшируви соғлом ва ЮБК бўлган қизларга хос мунтазам ўзгаришларни аниқлади. Тухумдонларнинг фаол ўсиши 13 ёшдан бошлаб кузатилди. Умуман, тухумдонларнинг катталиги циклнинг иккинчи босқичида ўсиб борди, бу, айниқса, 13, 14 ва 15 ёшдаги соғлом қизларда сезилди. Аксинча, 16 ёшдаги қизларда ҳайз даврининг иккала босқичида нисбатан бир хил ўлчамда овуляция цикли мавжудлигини

кўрсатади. Соғлом қизлардан фарқли ўларок, барча ёшдаги ЮБК бўлган қизларда ҳайз циклининг ановуляцион тури мавжуд ( $P < 0,05-0,001$ ).

Диссертациянинг «Ювенил ёшда бачадонидан аномал қон кетган қизларда даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида қайд этилган гуруҳлардаги ўсмир қизларда турли хил даволаш усуллари натижалари батафсил баён этилган.

